

и общ. ред. Н.М. Фонштейн. - М: АНХ, 1999. - 271 с.

5. Г.Л.Ципес, А.С.Товб. Менеджмент проектов в практике современной компании. – М.: Олимп-Бизнес, 2006. – С.8-9.

ЕВРОПА ИТТИФОҚИ БИЛАН ҚЎШНИ БЎЛГАН ERASMUS+ ҲАМКОР-МАМЛАКАТЛАРИДА ОЛИЙ ТАЪЛИМ ВА КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ: ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТ ЙЎЛИДА ҲАМКОРЛИК

Исакова З.М.

Мақолада олий таълим ва касб-ҳунар таълими ўртасидаги ҳамкорликнинг бир неча кўринишлари, хусусан, касб-ҳунар таълими соҳасидаги раҳбар ва педагог кадрлар тайёрлаш, меҳнат бозори учун малака даражаларини ишлаб чиқишда касб-ҳунар таълими ва олий таълим ҳамкорлиги масалалари, шунингдек, малакаларни тан олишни таъминлашдаги ҳамкорлик масалалари семинар материаллари асосида таҳлил этилган. ОТ ва КҲТ ҳамкорлигини маҳаллий даражада ривожланишини қўллаб-қувватлашга доир бир қатор фикрлар ҳам мазкур мақолада ўз аксини топган.

ВЫСШЕЕ ОБРАЗОВАНИЕ И ПРОФЕССИОНАЛЬНОЕ ОБРАЗОВАНИЕ В СОСЕДСТВЕ С ЕС СТРАНАХ-ПАРТНЕРАХ ERASMUS+: ПАРТНЕРСТВО ДЛЯ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО РАЗВИТИЯ

Исакова З.М.

В статье, основываясь на материалах семинара, освящены вопросы сотрудничества между высшим образованием и профессиональной подготовкой, в особенности, вопросы в области управления профессиональным образованием и подготовкой учителей, сотрудничества высшего образования и профессионально-технического образования в разработке квалификационных степеней для рынка труда, а также обеспечение признания квалификаций. В том числе, в данной статье отражены некоторые размышления о поддержке сотрудничества высшего и специального образования на местном уровне .

HIGHER EDUCATION AND VOCATIONAL EDUCATION AND TRAINING IN THE ERASMUS+ PARTNER COUNTRIES NEIGHBOURING THE EU: PARTNERSHIP FOR SOCIO-ECONOMIC DEVELOPMENT

Isakova Z.M.

The article examines cooperation between higher education and vocational training, in particular, the issues in the field of management of vocational education and teacher's training, cooperation of higher education and vocational education for the development of qualifying degrees for the labor market, and ensuring recognition of qualifications based on the materials of the seminar. In particular, this paper highlights some reflections on the support of the cooperation of higher and vocational education at the local level.

2015 йилнинг 10-11 март кунлари Олий таълим соҳасида фаолият юритувчи Миллий команда экспертлари учун SPHERE гуруҳи ҳамда Таълим, аудиовизуал воситалар ва маданият ижроия агентлиги (EACEA) томонидан “Олий таълим ва касб-хунар таълими ҳамкорлиги” масалаларига бағишланган ўқув семинари бўлиб ўтди. Мазкур семинар Туркиянинг Истамбул университетида бўлиб ўтди. Семинарда Европа Комиссияси, Европа Таълим фонди, Ғарбий Болқон, Жанубий Ўртаер, Марказий Осиё ва Шарқий Европа мамлакатларининг вакиллари, Олий таълим соҳаси бўйича миллий команда экспертлари, Туркия Олий таълим вазирлиги вакиллари ва Истамбул Университетининг тадқиқотчилари иштирок этди.

Семинарнинг мақсади - ЕИҒа қўшни бўлган давлатларнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиётида Олий таълим ва касб-хунар таълимига оид ислохотларнинг боришига оид фикр ва илғор тажрибалар билан алмашишдан иборат эди. Хусусан, семинар Олий таълим (ОТ) ҳамда касб-хунар таълими (КХТ) орасидаги самарали ҳамкорликка асосланган яхлит ёндашув шарт-шароитлари муҳокамасига ҳам йўналтирилган эди.

Ўқув сафари жараёнида академик оламнинг касб-хунар таълими билан ҳамкорлигига доир муаммолар таҳлил қилинди. Шунингдек, қўшимча маълумот, стратегик янгиланишлар, семинарда иштирок этаётган давлатларнинг илғор амалиётининг намуналари билан танишиш имконияти вужудга келди.

Семинар 4 та шўъбага бўлинган ҳолда ташкил этилди. 1-шўъбада касб-хунар таълими соҳасидаги раҳбар ва педагог кадрлар тайёрлашда Олий таълим ҳамда Касбий таълим ва тайёргарлик (КТТ) ҳамкорлиги масалалари, 2-шўъбада меҳнат бозори учун малака даражаларини ишлаб чиқишда касб-хунар таълими ва олий таълим ҳамкорлиги масалалари кўриб чиқилди. 3-шўъбада малакаларни тан олишни таъминлашдаги ҳамкорлик масалалари таҳлил этилган бўлса, 4-шўъба ОТ

ва КТТ ҳамкорлигини маҳаллий даражада ривожланишини қўллаб-қувватлашга бағишланди.

Таъкидлаш жоизки, семинар олий таълим ва касб-ҳунар таълими ҳамкорлигига оид дунё бўйлаб амалга оширилаётган тадбирлар билан танишиш имконини берди. Олтита олий таълим муассасасининг илғор тажрибаси профессор-ўқитувчилар, олий таълим экспертлари, илғор технологиялар бўйича ўз ишининг усталари, ишлаб чиқариш экспертлари ва маъмурий таркиб томонидан намоиш қилинди. Мазкур ҳолат янги ғоялар ва мавжуд муаммоларни ривожлантириш, муҳокама қилиш ва тадқиқ этишга замин яратди.

Семинар давомида намоиш этилган тақдимотлар, фикр-мулоҳазалар ва мунозараларнинг натижаларини қуйидаги бўлимлар орқали умумлаштириш мумкин:

ЕИ да касбий таълимнинг ўзига хослиги

Европада бошланғич касбий таълим бўғинини, одатда, умумий таълимнинг юқори синф ўқувчилари (15/16/19 ёш) ташкил этади. Ёшларнинг 50% га яқини таълимнинг мазкур турига жалб қилинган. Бундан ташқари, аҳолининг катта ёшдаги қатламини меҳнат бозори талабидан келиб чиққан ҳолда ўқитиш ҳам яхши йўлга қўйилган. Касбий таълимни (КТ) бошқаришга ижтимоий ҳамкорлар (иш берувчилар, касаба уюшмалари), турли органлар (қўмиталар, кенгаш) жалб қилинган. Мамлакат иқтисодиётининг ўзига хос тузилмасидан келиб чиқиб, мактаб ва ишхоналар қошида бирлашмалар ташкил этилган. Одатда, КТТни амалга оширувчи ташкилотлар ўртасидаги ўзаро алоқа яхши ривожланган. Асосий эътибор эса иккита бош мақсадни амалга ошириш учун қаратилган: бири иқтисодиёт эҳтиёжларига жавоб бериш ва шу билан бир қаторда, индивидларнинг шахсий ривожланишига ҳам ҳисса қўшиш.

Мавжуд ҳолат ва соҳага оид камчиликлар

ЕИ бўйича КТТ тизимида жуда катта хилма-хиллик мавжуд. КТТнинг ижтимоий мавқеининг пастлиги асосий муаммолардан ҳисобланади, шу сабабли ҳам таълимнинг мазкур йўналиши аксарият ҳолларда ёшларнинг иккинчи даражали танлови ҳисобланади. Меҳнат бозори эҳтиёжларини қондиришда сифат талабига малака етишмаслиги сабабли жавоб бера олмаслик, таълим жараёнига иш берувчиларни жалб етарли даражада эмаслиги, КТТни эрта тарқ этиш, халқаро мобиллик масалаларида КТТнинг олий таълимга нисбатан паст мавқеъга эгалиги ҳам муҳим камчиликлардан саналади. Шунингдек:

- - Таълим ва тайёргарлик ўртасида динамик боғланиш мавжуд, лекин академик таълим ва касбий таълим ўртасидаги алоқа сезиларли эмас;
- - Умуман олганда, меҳнат бозорида яхши натижаларга эга (ишга жойлашиш, ўтиш, иш ҳақи);
- - Мамлакатлар ўртасида Олий Касбий таълим борасида турфа хилликлар мавжуд (мазмун, дастур турлари, молиялаштириш схемалари, сиёсий қизиқиш ва меҳнат бозоридаги талаб);

- Миллий квалификациялар майдонида аниқ тавсифи ҳамда ўрнига эга эмас (ўрта махсус таълим, қисқа муддатли дастурлар, олий касбий таълим, бакалавриятга оид касбий таълим дастурлари ва ҳ.к.);
- Муассасада аниқ иқтибослар мавжуд эмас. Иш берувчилар анъанавий ОТМлар, амалий фанларга мўлжалланган ОТМлар, КТТ гимназиялар орқали кадрлар билан таъминланади;
- Таълимнинг мазкур турига бўлган талаб аксарият ҳолларда аниқ секторлардаги саноат ва ишлаб чиқаришга оид эҳтиёжлардан келиб чиқади. Кўпинча малаканинг етишмаслиги ёки маълум бир малакага эга бўлган талабнинг вужудга келиши кузатилади;
- Таълимга асосланган иш, икки томонлама таълим-тадқиқот лойиҳалари орқали амалга оширилади ва таълимнинг мазкур турига оид кучли элементлардан ҳисобланади;
- Мазкур таълим соҳаси ва касбий тайёргарлик устидан ҳукумат назорати, аксарият ҳолларда, олий таълимни аккредитация қилиш ва молиялаштириш орқали, шунингдек, квалификацияларнинг миллий тизимини ривожлантириш воситасида ўрнатилиши мумкин.

Амалга оширилаётган ислоҳотлар

Мазкур камчиликларнинг олдини олиш мақсадида бир қанча ҳужжатлар ишлаб чиқилган бўлиб, булардан асосийси – Брюгге коммюникеси ҳисобланади. Мазкур ҳужжат “ЕИ 2020нинг КТТ ривожлантириш дастури” деб ҳам аталади. У “Европа 2020” дастури доирасидаги умумий тизимли ислоҳотларнинг бир қисми бўлиб, кўрсатилган муддатгача КТТни ислоҳ қилиш мақсадида стратегик мақсадлар ва қисқа муддатдаги кутувлардан иборат.

КТТ 2020 қандай талабларга жавоб бериши керак? Биринчи навбатда, бошланғич касбий таълим сифатини оширишга эътиборни кучайтириш кўзда тутилган. Шунингдек:

- норасмий таълим ҳам текширишга хизмат қиладиган таълимий ёндашув натижаларига асосланган КТТнинг мослашувчан (эгиловчан) тизимларини яратиш;
- кўрсаткичлари аниқ ва тушунарли таърифланган шаффоф малака тизимларига асосланган Европача таълим ва тарбия;
- КТТ йўналишидаги трансмиллий мобиллик учун имкониятларни янада кенгайтириш;
- КТТнинг мавқеини (жозибадорлигини) ва ҳаммабплигини ошириш;
- Маълумотлар, маъмурий масалалар ва маслаҳат хизматларидан фойдаланишнинг қулайлиги ва енгиллигини таъминлаш;
- КТТда узлуксизликни таъминлаш.
- КТТнинг ишсизликни камайитиришга қўшиши мумкин бўлган ҳиссасини қайд

этган ҳолда ЕИга аъзо 22 давлат ўзининг аниқ таклифлари ишлаб чиқилган. Мазкур соҳага оид айтилган пайтдаги ислохотларнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

- Икки тизимлилиқ ва таълимга асосланган меҳнат фаолияти (Касбий таълим учун Европа альянси);
- Меҳнат бозорида сифат ва долзарблиқ (шу жумладан, ўқитувчи ва инструкторларнинг касбий тайёргарлигига оид сифатини таъминлаш; иқтисодийнинг қисқа муддатли эҳтиёжлари ва шахсларнинг узок муддатли мослашувлар ўртасидаги муносабатлиқ);
- Самарали бошқарув (ижтимоий ҳамкорларни жалб этиш, КТТ ва манфаатдор томонлар ўртасидаги ҳамкорлиқ муносабатларини шакллантириш);
- КТТга янги тенденцияларни (иқтисодий ривожланиш ва инновациоон стратегиялар орасидаги алоқа; ҳамкорларнинг янги турлари, ИКТдан фойдаланиш, сармоя қилишни янги усуллари) жалб этиш;
- КТТнинг жозибадорлигини ошириш.

2015-2020 йилларга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишлар:

1. Таълимга асосланган иш;
2. КХТда сифатни ҳамда тўлиқсиз курс ва қайта тайёрлаш курслари билан қайта алоқани таъминлаш;
3. Тўлиқсиз курслар ва қайта тайёрлаш курслари орқали малака оширишга имконият яратиш;
4. Ҳар икки йўналишда ҳам асосий компетенцияларни белгилаш ҳамда мустаҳкамлаш;
5. КХТ ўқитувчилари ва педагогларининг касбий тайёргарлигини ошириш;
6. КТТ (касбий таълим ва тайёргарлик), умумий таълим ва олий таълим ўртасидаги алоқани ривожлантириш ҳамда бир-бирини тўлдириб боришини таъминлаш.

Семинар иштирокчилари шуни алоҳида қайд этишдики, КТТда узлуксизликни таъминлашда таълим ва тайёргарлик тизимларини янада бир-бирига сингиб кетишига замин яратади, олий таълим сари кўприк вазифасини ўтайди ёки ўрта махсус таълим битирувчиларининг ўз малакасини ошириб боришга табиий имконият яратади. Шунингдек, ўзининг билимларини янгилаш ёки малакаларини яхшилаш мақсадида бўлган катта ёшли ишчилар ва ноанъанавий талабаларни ўқитишда давом этиш ҳам кутилган натижаларни беради. Ижтимоий интеграция ва тенг ҳуқуқлилиқ эса кам таъминланган оила фарзандларига ижтимоий лифт бўйича юқориқ кўтарилиш имконини беради.

КТТ ва ОТ ҳамкорлиги ҳолатига оид мамлакатлар кесимидаги маълумотлар

Мамлакатлар бўйича норасмий маълумотларига кўра:

- Арменияда хусусий сектор профилларида (техник ва ҳ.к.) ўсиш, давлат секторлари профилларида (соғлиқни сақлаш) эса, аксинча, камайиш кузатилади;
- Миср: соғлиқни сақлаш ва инженерликда ўсиш / тижорат хизматларида (мактаб, ижтимоий хизматлар) камайиш;
- Молдовада озиқ-овқат йўналиши бўйича камайиш кузатилган. Умуман олганда шуни таъкидлаш мумкинки, ўзгаришлар ҳолат билан боғлиқ, меҳнат бозори талаби билан эмас.
- Шарқий Европа ва Туркия:
- кўп ислохотлар бошланғич босқичда, бутун умр давомидаги иштирок паст даражада;
- ўрта касбий таълим изга қўйилган, лекин ўрта касбий таълимдан кейинги таълим ва олий касбий таълим нисбатан кам ривожланган;
- Кўп талабалар 4 йиллик ўрта касбий таълимни олий таълимга уланиб кетиши тарафдори;
- Бошланғич тайёргарлик мактаб базасида амалга оширилади, меҳнат бозори ва сифатни таъминлашда долзарблик етишмайди;
- Туркияда иш жойида ўқитиш яхши ривожланган;
- Меҳнат бозорида ижодий таълим ва инновациялар долзарб ҳисобланади;
- КТТ, инновацион корхоналар ва ОТМлар ўртасидаги стратегик ҳамкорлик етарли даражада эмас;
- Бошланғич касбий таълим таъминотчиларининг халқаро ҳамкорлик курсларида малака оширишлардаги иштирокларига оид бир неча мисоллар мавжуд;
- Асосий эътибор бошланғич касбий таълимга қаратилган, бутун умр давомида таълим олишга етарли эътибор берилмаган;
- Сиёсий ислохотларнинг асосий мақсади – Бошланғич тайёргарликка кенгрок қамраб олиш орқали ижтимоий бирдамликни яхшилаш;
- Талабалар интиладиган баъзи шароитлар – иш ўринларини яратиш, КТТ сифати ва долзарблигини оширишни талаб қиладиган КТТнинг жозибadorлигини яхшилашга доир ишлар;
- КТТни марказсизлаштириш ва бошқаришга эътиборни кучайтириш;
- Амалий қарорларни қабул қилишда муаммолар мавжуд бўлишига қарамай, кадрлар тайёргарлигининг бошланғич стратегиялари ва манфаатдор томонларнинг интеграциясини амалга ошириш;

- Охирги пайтларда янги ишчи ўринлари яратилмаган;
- Тунис, Марокко ва Миср ҳамкорлигида КТТдан олий таълимга ўтиш йўлларни яхшилашга бўлган қизиқиш мавжуд.

Ғарбий Европа

- Ислохотларни ўтказишда ЕИ манфаатлари эътиборга олинади;
- КТТни иқтисодий эҳтиёжларга яқинлаштириш ва мутахассисликлар сифатини таъминлаш учун КТТ жозибадорлигини ошириш керак;
- Мазкур соҳадаги сифат таъминоти;
- Ўқитувчилар малакасини ошириш;
- Таълим ва ишлаб чиқариш ўртасидаги ҳамкорлик;
- Иш берувчилар фаол иштирок этаётганларига қарамай ижтимоий диалог энди йўлга қўйилмоқда;
- Бошқарув марказлашган;
- Мониторинг маълумотларидан фойдаланган ҳолда танқидий таҳлил потенциалини ошириш зарурияти мавжуд;
- КТТ четлашиш, камбағаллик, миллатнинг қариши каби ижтимоий ва демографик факторлар учун фойдали деб қаралади;
- Ваучер, таълимни давом эттириш, меҳнатга йўналтирилган таълим каби фаол чора-тадбирлар миқдори чегараланган

Марказий Осиё:

- барча давлатлар КТТ бўйича, шунингдек, КТТни бошқариш ва ишлаб чиқиш потенциалини мустаҳкамлаш бўйича ўз стратегиясига эга;
- КТТ ишга жойлашиш ва таълимни давом эттириш учун муҳим;
- Касб –ҳунар таълими мавқеи ортмоқда;
- Хизматлар сектори ортиб бормоқда. Шу билан бир қаторда қишлоқ жойлари ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш асосий вазифалардан саналади;
- Демократик босим ишсизлик даражасига таъсир ўтказмоқда;
- Кичик бизнесда бандлик эҳтиёжи ортиб бормоқда;
- Хусусий сектор билан ҳамкорлик ортиб бормоқда, лекин давлат секторидаги институтчионал ҳамкорлик, масалан: бошланғич, ўрта ва олий касбий таълим даражаларидаги ҳамкорлик ёки Меҳнат вазирлиги билан Таълим вазирлиги ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш зарур;
- КТТ борасидаги яхши тажриба ва натижаларни ёйиш, мазкур соҳага оид маълумотларни яхши таҳлилни амалга ошириш йўли билан таъсир кучини ошириш мумкин.

КТТнинг олий таълим, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт билан боғлиқлиги:

Турли мамлакатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, КТТнинг иштироки 4 та гуруҳга бирлаштирилган:

- қишлоқ хўжалиги (агромаҳсулот йўналишдаги иш ўринлари – асосан хусусий сектор);
- Лойиҳалаштириш ва фан (АКТ, ишлаб чиқариш ва қурилиш – хусусий сектор кўпроқ);
- Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва гуманитар фанлар (асосан ижтимоий сектор);
- Хизмат кўрсатиш (асосан ижтимоий сектор).
- Аҳолининг катта қисми аввалгидек, қишлоқ хўжалигида банд, лекин ишлаб чиқариш суръати паст;
- Бу алоқа озиқ-овқат маҳсулотига бўлган нархнинг ортишида ўта муҳим бўлиб бормоқда;
- Қишлоқхўжалиги ОТМ битирувчиларини инновацияларга рағбатлантириши мумкин;
- Жанубий ва Шарқий Ўртаер мамлакатларида қишлоқ хўжалиги банд бўлганлар сонининг қисқариши (<2%), Миср, Македония ва Украинада кескин қисқаришини кўрсатувчи маълумотлар мавжуд;
- Таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий ва гуманитар фанлар, асосан, давлат секторидаги бандликни таъминлайди;
- Бу соҳаларда ОТМ битирувчиларининг 70-85% банд ва бу муҳим (стабил) кўрсаткич ҳисобланади. Мазкур кўрсаткич демографик ўзгаришлар ва хусусий секторнинг ўсиб боришига қарамай охириги 15 йил мобайнида сақланиб келмоқда.
- Лойиҳалаштириш ва фанлар, қоидага биноан, иқтисодий ривожланишнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучи саналади. Улар ИКТ соҳаси битирувчилари учун ишга жойлашишнинг яхши имкониятларини тақлиф қилади. Бу соҳада талабалар иштироки 15-30% атрофида ва умумий реал ўсиш ҳозирча кузатилмади.

Тақлиф ва мулоҳазалар

Маълумки, ҳар бир соҳанинг ривожиди инсон капитали муҳим ўрин тутди. Шу туфайли ҳам мазкур соҳага оид фаолиятнинг муваффақиятли амалга ошиши учун ҳамкорликнинг асосий кучларига таяниши лозим. Стратегик ҳамкорликни йўлга қўйиш учун КТТ, олий таълим, меҳнат соҳаси ва давлат ҳокимиятининг турли органлари ҳамкорликда фаолият юритиши керак. Бу ҳамкорлик қуйидагича бўлиши мумкин:

- **Худудий ҳамкорлик:** тадбиркорлик уюшмалари, маҳаллий тараққиёт, узлуксиз таълим тармоғи, худудий ривожланиш сиёсати;
- **Соҳавий ёндашув:** Шарқий Европа, Сербия, Туркиядаги сектор бўйича малакалар кенгашлари; Озарбайжон, Молдова, Босния ва Герцоговинадаги Сектор прогнозлари; Беларуссия, Россия, Қозоғистон, Арманистон, Босния ва Герцеговинада мавжуд бўлган малакаларнинг соҳавий рамкалари; АКТ соҳасидаги миллий стратегия;
- **миллий ёндашув:** 27 мамлакатда мавжуд бўлган малакаларнинг миллий тизими, Жанубий-Шарқий Европа ва Туркияда мавжуд бўлган олдиндан кўра билиш сиёсати; Туркияда муомалада бўлган бутун умр давомида таълим олиш сиёсати; ўқитувчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш.

КТТ ва ОТ ҳамкорлигини амалга оширишда стратегик йўналишлар сифатида қуйидагиларни белгилаб олиш мақсадга мувофиқ:

- касбий таълим тизими истиқболларини белгилаб олиш;
- Инновация ва киритилиши лозим бўлган ўзгаришларни ишлаб чиқиш;
- Инновация ва ўзгартиришларни киритиш;
- Иқтисодиёт талаби ва бозор талабини қондириш;
- Малакага бўлган талабнинг шаклланиш омилларини таҳлил этиш;
- Талаб ва унга мос келувчи малакаларни аниқлаш механизмларини ишлаб чиқиш;
- КТТнинг талабга мос келувчи тизимини шакллантириш.

Ижтимоий талабни қондиришда қуйидагилар муҳим аҳамият касб этади:

- КТТга бўлган талабни шакллантирувчи омиллар;
- Талабалар талабига мос келиши;
- Ижтимоий талабларга мос келиши;
- Ички самарадорлик.

КТТ тизимини такомиллаштиришда қуйидагилар эътиборга олинishi мақсадга мувофиқ:

- Сифат таъминоти;
- Кадрлар масаласи (раҳбар ва ўқитувчилар);
- Таълим бериш ва ўргатиш;
- Таълим самарадорлигининг фойдаси ва камчиликлари.

Семинар материаллари ва фикр-мулоҳазаларни жамлаган ҳолда умумий хулосаларни қуйидагича шакллантириш мумкин:

1. Касбий таълимдаги муаммоларни ҳал этишда иш берувчи ва бошқа ижтимоий ҳамкорларнинг фаол иштирокини таъминлаш мақсадида меъёрий-ҳуқуқий шароитларни яратиш.

2. Маълум бир ҳудуд талаби асосида мутахассислар ва малакали кадрларни шартнома асосида тайёрлаш механизмини ишлаб чиқиш;
3. Иш берувчи ва таълим муассасаси ўртасидаги келишилган ишлаб чиқариш (касбий) амалиётни такомиллаштириш;
4. Касбий таълимни Олий таълим билан муносабатга киришиши ва интеграцияси механизмини ишлаб чиқиш;
5. Бевосита ишлаб чиқариш корхоналарида турли усуллар билан дарс бериш имконини берувчи ўқув дастурларини яратиш;
6. КХТда фаолият юритадиган махсус фан ўқитувчилари учун ишлаб чиқаришдаги ускуна ва технологик жараёнларнинг янги шакллари билан танишиш мақсадида стажировкалар тизимини ташкил этиш;
7. Касб ва мутахассисликларнинг минимал материал-техник таъминоти стандартларни ишлаб чиқиш;
8. Касбий таълим жозибадорлигини оширувчи тадбирларни ишлаб чиқиш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. <http://eacea.ec.europa.eu/erasmus-plus>
2. eacea-plus-cbhe@ec.europa.eu
3. http://ec.europa.eu/education/policy/vocational-policy/index_en.htm

УЗБЕКИСТАН В XXI ВЕКЕ: ОБУЧЕНИЕ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ СИСТЕМЫ КРЕДИТОВ

Каримбеков С.А.

Данная статья описывает принципиальное положение в современной системе оценки в области образования. Внедрение кредитной системы вызывает потребность сравнения подобных шагов по модернизации в опыте работы других стран. Внедрение кредитной системы в Узбекистане требует всестороннего анализа оптимального подхода в процессе его реализации.